

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 402-98  
2019 йил



“ЮРИСПРУДЕНЦИЯ”

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА  
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи бирликлари фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2019 йил 18.10. дақи 5 - сонли баённомаси билан тасъулланган

Тузувчилар:

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш  
босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф.  
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф.  
М.Қахқорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Гопилдиев,  
ю.ф.н., доц. Х.Ғўфисева, доц. в.б. А. Раҳмонов.

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”  
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.д.  
Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов, А.Гураев,  
М.Матназарова, Н.Хакназарова, М.Инназаров, Д.Қушарбаев.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,  
касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули:  
п.ф.д., проф. Ф.Зокирова, п.ф.д.(PhD) М.Файзишева, п.ф.д.  
(PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев,  
А.Хошимов, Г.Отамуродов.

“Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари”  
модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова,  
Ш.Файзуллаева, У.Гиясова.

“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор  
қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д.,  
проф. А.Юлдашев, п.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова,  
Махсус филиал бўйича: ТДЮУ профессор И.Имомов, ю.ф.д.,  
профессор О.Ожолов, ю.ф.д., профессор Г.Тулаганова, доцент,  
ф.ф.н. Д.Расулмухамедов, ю.ф.д., ф.-м.ф.н., катта ўқитувчилар  
Э.Т.Маннопова, С.Ражаббоев, ўқитувчи Д.Артинков.

Хорижий эксперт: Андрей Пинин “Фолкер Хот” Адвокатлик  
фирмаси адвокати (Париж), Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги Халқаро ва хорижий таълимчиларда Ўзбекистон  
Республикаси манафатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси  
бошлиғи, ю.ф.д. И.Р.Рустамбеков, “Private legal practice” адвокатлик  
фирмаси адвокати А.Эргашев.

Тақрирчилар:

Ўқув дастури Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг қарори билан  
тасдиққа тасвир қилинган (2019 йил 30.08.2019) дақи 1 - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги  
“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги  
“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар  
стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий  
таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини  
ошириш тизimini жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари,  
шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қароридан  
белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган  
бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати  
ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор  
хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек  
амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилмаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва  
уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув  
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунини Ўзбекистоннинг  
миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари,  
таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим  
жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий  
хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар  
негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг  
замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив  
компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа  
тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий  
шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва  
компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Юриспруденция соҳасида электрон ресурслар билан ишлаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Тизимли тахлил ва юридик фанлар интеграцияси.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Маъмурий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

6.2. Фуқаролик-ҳуқуқий ва тadbиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари.

6.3. Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг замонавий тенденциялари.

## **VII. Малакавий аттестация**

### **Қурснинг максали ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг максали педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўника ва малакаларини

такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Қурснинг вазифаларига куйидагилар киради:

-“Юриспруденция” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўника, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-муҳассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Юриспруденция” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Қурс якунида тингловчиларнинг билим, кўника ва малакалари ҳамда компетенцияларига куйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўника ва малакаларига куйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетенцияларига куйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўника, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- замонавий маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини;

- юридик фанлар тизимида фуқаролик ҳуқуқининг тугган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини;

- иқтисодий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг вазифаларини;

- тadbиркорлик субъектлари устидан давлат назоратини;

- коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартларини;

- Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатларини *билитиши* керак.

**Тингловчи:**

- давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш;
- мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар шароитида фуқаролик-хукукий фанларни ўқитишни такомиллаштириш;
- фуқаролик қонун ҳужжатларини миллий ва хорижий таъриба асосида ривожлантириш;
- иқтисодий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг вазифаларини кўриб чиқиш;
- коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чораларини қўллаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;
- семинар ва амалий машғулотларни ўтишда кейс-стади ва хукукий ҳужжатлар тайёрлаш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва улар фаолиятини ташкил этишда миллий ва хорижий таърибадан фойдаланиш;
- алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик асосида фаолият олиб бориш;
- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир haftaдаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс

тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака ағтестати берилди.

**“ЮРИСПРУДЕНЦИЯ” ЙўНАЛИШИ Бўйича қайта тайёрлаш  
ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ўқув МОДУЛЛАРИНИНГ  
МАЗМУНИ**

**I. Олий таълимнинг НОРМАТИВ-ҳуқуқий асослари**

**1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш  
босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омилли сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисага Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга nisбатан камситишнинг хар кандай шаклларига бархам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг ролли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентли Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид конун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ҳодимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртли профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган ҳулқ-атворнинг таъбирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Қадрлар тайёрлаш тегишли таълим

(ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандартли, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйилган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг конун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни катнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нуқт маданияти.

Иновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг хар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омилли сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, виотаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

## 2.2. Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси.

Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси тамойиллари. Умумхуқуқий тезаурус – юридик тил лексикаси тизими таркибий қисми боғлиқлиги интеграциясини таъминловчи омили. Юридик тил лексикаси ва унинг таснифи. Юридик тилнинг ўзига хослиги. Орфография ва орфоэпиянинг узвийлик қондалари. Юридик тил функционал услублари ва пунктуацион меъёрлар интеграцияси. Дефис ва тире. Юридик тилда расмий ёзишма турлари, тузилиши, компонентлари. Юридик матнларда термин кўллаш талаблари.

## III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида қўлланилиши. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, Counselab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедияли ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, Science Direct, Mendefey тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Юриспруденция соҳасида электрон ресурслар билан ишлаш.

Хуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси. Хуқуқий соҳа ахборот кидирув тизимларини (Yugida, Norma, LexUz) ўқув жараёнга татбиқ қилиш. Электрон ҳуқуқнинг имкониятларидан фойдаланиш. Электрон ҳуқуқ доирасида ташкил этилган веб-порталлар билан ишлаш. Мультимедияли электрон ўқув материаллари тайёрлаш технологиялари. Мультимедияли электрон ўқув материаллари яратиш имкониятини берувчи дастурларни ўрганиш.

## IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойihalаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Қундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдирриш, оммавий ахборот воситалари, маданий хордик, телефонда суҳбат, саёхат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, агроф-мухитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда тахлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### 5.2. Тизимли тахлил ва юридик фанлар интеграцияси.

Тизимли тахлил ва юридик фанлар интеграцияси. Тизимли тахлил босқичлари ва тизимлар классификацияси. Тизимли тахлилда қўлланилувчи илмий методлар. Ҳуқуқий соҳа тизимли тахлилда қўлланилувчи замонавий микродорий услублар ва воситалар. Тизимли тахлилда қўлланилувчи эмпирик методлар. Юридик тизим ижтимоий тизимнинг тизимостиси. Юридик тизимнинг бошқа тизимлар билан, хусусан, экологик, иқтисодий ва сийсий тизимлар билан алоқадорлиги. Тизимли ва комплекс ёндашувларнинг ўхшаш ва фарқлари. Юридик соҳада маъжуд муайян тизим масалаларига нисбатан тизимли ёндашув.

## VI. МАХСУС ФАНЛАР

### 6.1. Маъмурий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

Маъмурий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт фанга кириш. Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмун-моҳияти. Замонавий маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари. Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш масалалари. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш. Давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ҳолати. Маъмурий юстиция.

### 6.2. Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

Юридик фанлар тизимида фуқаролик ҳуқуқининг тугтаи ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар шароитида фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш. Иқтисодий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг вазибалари. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида

намоён бўлиш хусусиятлари. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий таъриба. Семинар ва амалий машғулотларни ўтишда кейс-стади ва ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашнинг аҳамияти. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва улар фаолиятини ташкил этиш: миллий ва хориж таърибаси. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тадбиркорлик субъектлари устидан давлат назорати. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

### 6.3. Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чораларини қўллаш. Ҳабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги. Биринчи ва юқори инстанцияларда иш юритиш тартиби. Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш.

## VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш куйидаги шакллارни ўз ичига олади: очик ўқув машгулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иктидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан катнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўрғазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктёри (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва тахлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс тахлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Булук келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. - Т.: “Ўзбекистон”. 2017. - 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Т.: “Ўзбекистон”. 2017. - 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-норту умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5545-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.



13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуksиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июндаги “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 453-сонли қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар:

21. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. – 279 б.

22. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г. – 3-е изд. – М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012. – 319 с.

23. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. – Т.: Алоқаси, 2017. – 256 стр.

24. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2018. – 304 с.

25. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

26. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

27. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

28. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

29. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – Т.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.

30. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. – 572b.

31. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.

32. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан Общая часть. Учебник. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.

33. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.

34. Administrative Law. Peter Leyland, Gordon Anthony. Seventh Edition, 2012.

35. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism/ Mualliflar jamoasi. Prof. O.Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – Т.: TDYU nashriyoti, 2016. – 312 b.

36. Имомов Н. Юридик шахс мохиятининг фуқаролик-хуқуқий талқини (назарий масалалар). – Т.: ТДЮУ, 2017, -150 б.

37. А. Боймирзаев “Хаёт хавфсизлиги ва биринчи тиббий ёрдам”. Ўқув кўланма. Т. 2016

38. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II қисм // Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 920 б.

39. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II қисм // Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 920 б.

40. Оқолов О. Интеллектуал мулк ва инновация (Интеллектуал мулк ҳуқуқи институтларнинг инновация ривожланишини таъминлашдаги таъсирини оширишнинг моддий ва процессуал военталари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба). –Т., Турон замин зиё, 2016, –390 б.
41. Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.: 2005, –336 б.
42. Усмоналиев М. Бақунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 662 б.
43. Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.
44. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма 1.: ТДЮИ, 2009. – 379 б.
45. Колоколов Н.А. Судебный контроль в уголовном процессе. –М.: Закон и право, 2009. –с. 45–72.

#### IV. Интернет сайтлар:

46. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
47. Бош илмий-методик марказ: [www.bimn.uz](http://www.bimn.uz)
48. [www.Ziyouet.uz](http://www.Ziyouet.uz)
49. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz)
50. [www.Ziyouet.Uz](http://www.Ziyouet.Uz)
51. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
52. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
53. [www.miniust.uz](http://www.miniust.uz)
54. [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz).

#### “ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқув-тарбия вазирлигидаги “Юридик университет кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ташкил этиш методик маркази” Шоймардонов Ф.Т. 2019 й.

Ректор: Ш.Т. Шоймардонов

“30.06.2019” 2019 й.



#### “КЕЎЛИШИЛГАН”:


Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўшқармаси Бошқарма бошлиғи Ф.Т.Эсонбобоев

“30.06.2019” 2019 й.

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларини халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази

Директор: А.Н. Якубов

“30.06.2019” 2019 й.



“30.06.2019” 2019 й.

